SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2018-yil, 9-yanvar. Seshanba • 3 (32.371) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Азиз қардошим!

Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз ва бутун қардош Ўзбекистон халқини самимий табриклаш ва эзгу тилакларимни йўллаш мен учун улкан шараф.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 25 йилда қардошлик алоқаларимиз фаол ривожланди ва изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатлараро муносабатларнинг бугунги юксак даражасини қайд этар эканман, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган ҳамкорлик янада жадал ва изчил, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик руҳида ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантирар эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқлари ўртасида шаклланган азалий қардошлик ва ўзаро ҳурмат анъаналарига, маънавий ва тарихий қадриятлар муштараклигига, давлатларимизнинг халқаро муносабатларда тинчликсеварлик ва инсонпарварлик тамойилларига содиқлигига таянамиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз нафақат икки томонлама, балки халқаро тузилмалар доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Глобал ва минтақавий миқёсдаги нуфузли ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз томонидан илгари сурилаётган халқаро ташаббус ва таклифлар ўзаро қўллаб-қувватланаётгани шундан далолат беради.

Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият, илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркманистон – Ўзбекистон қўшма комиссиясининг фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Туркманистон мамлакатларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёр. Ишонаманки, Туркманистон ва Ўзбекистон муносабатлари келажакда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида муттасил ривожланиб бораверади.

Азиз қардошим, мактубим якунида Сизнинг Туркманистон – Ўзбекистон ҳамкорлигига шахсан қараётган алоҳида эътиборингиз учун миннатдорлик билдиришга, Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатида қардош Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Юксак ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ марказидаги Жалолиддин Мангуберди мажмуасида «Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир» шиори остида тадбир ўтказилди.

Навқирон авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш мақсадига йўналтирилган тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари, вилоят мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ходимлари, «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида Сержантлар тайёрлаш мактаби курсантларининг кўргазмали чиқишлари, шунингдек, қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

ЎзА фотомухбири
Шоназар ҚОРИЕВ олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

ЎЗИМНИ ОТАМНИНГ БАҒРИДАГИДАЙ ҲИС ҚИЛДИМ

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида ҳар гал оддий одамлар билан мулоқот қилади, уларнинг турмуш шароити билан қизиқади, қийнаётган ташвиш ва муаммоларига алоҳида эътибор қаратади.

Жорий йил 5 январь куни Тошкент вилоятига қилган навбатдаги ташрифи чоғида ҳам Президентимиз ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиб, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Янгийўл шаҳрида жойлашган «Файзли» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли билан мулоқот ҳам самимий руҳда ўтди. Учрашув маҳалла аҳлига бир олам завқ бағишлаш билан бирга, уларни тўлқинлантириб юборди, ҳаётга, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади.

— Ҳар бир она фарзандининг соғ-саломат улғайишини, замонавий таълим олиб, қайси соҳани эгалламасин, жимиятга керакли шахс бўлиб камолга етишини истайди, шундагина ўзини бахтли ҳис қилади, — дейди уй бекаси Гулнора Исмоилова. — Юртимизда истеъдодли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг ўз қобилият ва салоҳиятини юзага чиқаришга доимий эътибор қаратилмоқда. Узоққа бормайлик, ўз ҳаётим мисолида айта қолай. Қаранг, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ўғлимнинг дарсларни қандай ўзлаштираётганига эътибор қилмабман, спортга, айниқса, футболга қизиқишини болалик шўхлигига йўйибман. Мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси «Ўғлингиз Комилжон машғулотларда фаол қатнашади. Унинг тўп билан қиладиган турли ҳаракатларини бир кўрсангиз, кўзингиз қувонади. Ўз устида ишлаб чарчамайди. Келгусида маҳоратли футболчи бўлиши учун махсус футбол мактабига бериш зарур», деган маслаҳатидан сўнг ўйланиб қолдим. Кейин бир неча бор соҳа мутахассисларига мурожаат қилдим. Бироқ баъзи масалалар туфайли ижобий ҳал бўлмай келаётганди. Бугун давлатимиз раҳбари ўзлари бизнинг олдимизга келиб, муаммоларимизни тинглади, жумладан, ўғлим билан боғлиқ мени қийнаётган масалани бир пасда ижобий ҳал этиб берди. Бундан жуда хурсандман, ҳозир теримга сиғмай кетяпман. Ишонгим келмайди, мендай оддий бир фуқарони давлат раҳбари шахсан тингласа-ю, муаммоси ечимини топиб берса!? Ўғилгинам «Бунёдкор» болалар ва ўсмирлар футбол мактабига қабул қилинди. Ишонмассиз, мен ҳозир осмондаман, еттинчи осмонда! Комилжонимнинг хурсандчилигини кўрсангиз, фуқаропарвар шундай Президентни етказганига беҳисоб шукроналар айтасиз. Кечалари тўпни қучоқлаб ухлаяпти. Насиб қилса, ҳали зўр футболчи бўлади, Президентимизнинг ишончини оқлайди.

— Мамлакатимизда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ёш тадбиркор Азиза Орифбоева. — Дадам вафот этгач, рўзғор юмушларини ёлғиз ўзи қилаётган онамга осон бўлмади. Коллежни 2016 йилда тамомлаганимдан сўнг, онамга кўмаклашиш мақсадида Халқ банкининг ҳудудий бўлимидан 25 миллион сўм кредит олдим. Ҳозир Янгийўл шаҳар деҳқон бозори ҳудудидаги янги дўконимизда нон ва нон маҳсулотлари билан савдо қиламан. Бироқ сўнгги пайтларда оилавий шароитимизда юзага келган турли муаммолар, онамнинг тез-тез саломатлиги ёмонлашаётгани туфайли банкдаги кредит тўловларини вақтида тўлашга бироз қийналдим.

Президентимиз Янгийўлга ташрифлари чоғида менинг ҳам муаммоларимни тинглаб, «Қизим, ҳали кўп бахтли кунларинг олдинда. Ёш бўлишингга қарамай, яхши ният билан ўз тадбиркорлигингни бошлабсан, хурсанд бўлдим», деб мени бағрига босди. Ўзимни худди отамнинг бағридагидай ҳис қилдим, кўзимдан қувонч ёшлари тинимсиз оқади, денг. Аслида ҳам шундай-да. Биз, ёшлар барча соҳада яхши натижаларга эришишимиз учун ҳар томонлама шароитлар яратиб бермоқда. Куни кеча Янгийўл шаҳри ҳокимлиги томонидан оиламизга моддий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик фаолиятимни янада ривожлантириш масалалари ижобий ҳал қилинадиган бўлди. Бунинг учун оддий инсонлар ташвиши билан яшаётган, одамларга ғамхўр бўлиб, оғирини енгил қилиш йўлида астойдил қайғураётган Президентимиздан миннатдорман.

А.МУСАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Сариосиё туманида 200 минг нафардан ортиқ киши истиқомат қилади. Янги йил байрами арафасида туманда «Сурхонтекстиль кийимлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлагани қувончли воқеа бўлди.

Янги йилда янги иш ўринлари

— Корхонанинг иш бошлаши биз учун айни муддао бўлди, — дейди **коллеж битирувчиси Зебо Хидирова.** — Қисқа даврда тикиш-бичишни мукаммал ўргандик. Ҳозир Япония ва Германиядан келтирилган 300 дан ортиқ тикув машиналарида трикотаж маҳсулотлари тайёрланаяпти. Сифатли, рақобатбардош ва бежирим кийимларни келгусида хорижга экспорт қилиш ниятимиз бор.

Яқин келажакда корхона қошида «Сурхон сифат текстиль» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган. Ип-калава йигириш йўлга қўйилиши билан яна 50 янги иш ўрни яратилади.

* * *

Жорий йилда Шўрчи туманида 3,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Меҳнат ярмаркалари эса иш топишда қийналаётган юртдошларимизнинг оғирини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, ЎзХДП туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда ташкил қилган ярмаркада 160 га яқин корхона ва ташкилот мингдан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, Қуролли кучлар сафларидан захирага бўшатилганлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганлари иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Электорат вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб масала, — дейди **ЎзХДП Шўрчи туман партия кенгаши раиси Ботир Ражабов.** — Жорий йилда туманимиздаги 9 касб-ҳунар коллежини 3700 дан ортиқ йигит-қиз битирган бўлиб, уларнинг аксарияти доимий иш жойига эга. Бандлиги таъминланмаган ёшлар билан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БРИФИНГ

САЙЛОВнинг якуний натижалари эълон қилинди

Жорий йилнинг 24 декабрь куни ўтказилган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловнинг якуний натижалари эълон қилинди.

— Мазкур сайловда Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган 1 миллион 560 мингдан зиёд сайловчининг 1 миллион 267 мингдан ортиғи иштирок этди, — дейди **Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Ҳамид Каримов.** — Бу сайловчилар умумий сонининг 81,2 фоизини ташкил этади. Ушбу сайлов фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуклиги тобора юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Сайлов пойтахтимиз аҳолисининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳамжиҳатлигини кўрсатди.

Овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 4 минг 4 юздан ортиқ кузатувчи, ваколатли вакиллар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Якуний натижаларга кўра, ташкил этилган жами 330 сайлов округидан депутатлар тўлиқ сайланди. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан 137 нафар (41,5 фоиз), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 54 (16,4 фоиз), Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 49 (14,8 фоиз), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 37 (11,2 фоиз), шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 53 (16,1 фоиз), нафар фуқаро депутат этиб сайланди.

Сайланган 330 нафар депутат ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 76 нафари аёл ҳамда 254 нафари эркак. Шунингдек, депутатларнинг 20 нафарини 30 ёшгача, 195 нафарини 30 ёшдан 50 ёшгача, 115 нафарини 50 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этади.

Бундан ташқари, ушбу сайланган депутатлар ўз ваколатларини 2019 йил мамлакатимизда ўтказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига навбатдаги сайловгача амалга оширади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фаруҳ АЛИЕВ олган сурат.

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Сиёсий партиянинг кучи

бошланғич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ

Сиёсий партия жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, нуфузи мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларга боғлиқ. Куйи ташкилотлар иши тўғри йўлга қўйилса, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён эта олади. Шунинг учун уларнинг ишини доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Олимжон Зарипов билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Қайси партиянинг қуйи бўғини фаол бўлса, унинг обрўси ошади, тарафдорлари кўпаяди, — дейди у. — 450 минг нафардан ортиқ партиямиз аъзолари 9900 дан зиёд бошланғич ташкилотга бирлашган. Уларнинг сиёсий салоҳиятини янада ошириш мақсадида тизимли равишда семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказиб боришни йўлга қўйганмиз. Натижада қуйи бўғинларда жонланиш сезилмоқда.

Айтиш мумкинки, бошланғич ташкилотлар партия ва электоратни бирлаштириб турувчи кўприк вазифасини ўтайди. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар электорат вакилларини қандай масалалар ўйлантираётганидан яхши хабардор бўлиши талаб этилади. Сиёсий партияга аъзо бўлган шахс, аввало, бошланғич ташкилот фаолиятида иштирок этади. Унинг партия ҳақидаги илк тасаввури, қарашлари айнан шу ерда шаклланади. Аъзоларнинг фаоллиги, партия ғояларини яхши англаши ҳам мазкур бўғинга боғлиқ.

Айни пайтда кўпчиликка намуна кўрсатиб ишлаётган бошланғич ташкилотларимиз оз эмас. Мисол учун, Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази, Тошкент вилояти «Олмалиқшаҳаргаз» филиали, Қашқадарё вилоятидаги «Шўртаннефтгаз» МЧЖ, «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» МЧЖ қошидаги бошланғич ташкилотлар ва уларнинг аъзоларини намуна қилиб кўрсатишимиз мумкин. Аммо афсуски, зиммасидаги масъулият, билдирилган ишончни яхши ҳис қилмайдиган, электорат ҳаёти, уларни ўйлантираётган масалалардан йироқ ташкилотларимиз ҳам йўқ эмас. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 100 дан ортиқ бошланғич ташкилот фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Улар партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган. Бунга асосий сабаб етакчининг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашгани, деб ўйлайман. Иккинчидан, тегишли туман (шаҳар) кенгашлари раислари томонидан ҳам қуйи бўғин фаолияти мунтазам таҳлил қилиниб, зарур ёрдам берилмаган.

► Давоми 2-бетда.

«Депутатлар уйғониши керак. Депутатлар уйғонмаса, жамиятимизда мувозанат бўлмайди ҳеч қачон...»

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг уйқуси қаттиқми?..

Турли тадбирлар ва давраларда депутатлар кўпинча тўрга ўтказилади. Халқимиз шу йўл билан ўз вакилларига эҳтиромини кўрсатади. Одамлар депутатни аввало маънавиятли, салоҳиятли, адолатли ва фидойи инсон сифатида эъзозлайди. Унинг сўзига ҳам, ваъдасига ҳам тез ишонади. Аммо сессия ва йиғилишларда бўшашиб, лоқайд бўлиб ўтирган, муаммоларни, адолатсизликни кўра-била туриб, «ҳаммаси жойжойида», деб қўл кўтарадиган депутат эса ҳурматни оқламаган, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаган бўлади, оқибатда эътибордан қолади.

Сўнгги вақтларда давлат раҳбари кимга кўпроқ мурожаат қиляпти? Демократия учун, халқимизнинг дунёдаги иззат-ҳурмати учун, эртамиз учун, болаларимиз учун курашишга тайёрмисизлар, деб кимдан сўраяпти?.. Депутатлар, халқ вакиллари бу масъулиятли ва тарихий саволларга жавоб беришга тайёрми?..

Давлат ва жамият ҳаёти шундайки, депутатлар кўтармаган юкни бошқа биров кўтара олмайди. Халқ вакилининг виждони уйғонмас, дунёқараши кенгаймас экан, оддий одамлар, шифохонадаги беморлар, боғчалардаги гўдаклар адолатсизликдан қийналаверади, ҳудудлар бюджети озиб-тўзиб, коррупция ва бюрократиянинг вазни ошаверади, инсон ҳақ-ҳуқуқи азият чекаверади, амалдорларнинг қалби тошдай қотиб қолади.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида депутатлар уйғоқлиги ҳаётимизда қанчалик муҳим ўрин тутиши оддий тилда, аниқ-равшан ифодалаб берилди: **«Депутатлар уйғониши керак. Депутатлар уйғонмаса, жамиятимизда мувозанат бўлмайди ҳеч қачон...»** Мувозанат бўлмаган жойда манфаат тарозисининг палласи гоҳ у ёнга, гоҳида бу ёнга оғиб кетаверади. Тараққиёт тошини қанчалик айлантирманг, халққа, мамлакатга, оддий одамларга манфаати кам бўлган ёки умуман фойдаси бўлмаган томони тушаверади. Бунга йўл қўйиб бериш халққа хиёнат қилиш, шайтоннинг малайига айланиш билан баробар.

Шунинг учун депутатларга қайта-қайта мурожаат қилинаётгани шунчаки гап келганда айтиб ўтиб кетилган гаплар эмас. Агар шундай бўлса, қонунлар, фармон ва қарорларда ҳудудларни ривожлантириш, муаммоларни бартараф этиш, таклиф-ташаббуслар билан чиқиш, эскича фикрлаб, ман-манликка берилган раҳбарларнинг дунёқарашини ўзгартириш, керак ҳолларда таъсир чораларини қўллаш бўйича маҳаллий Кенгаш депутатларига реал ҳуқуқ ва имкониятлар берилмас эди.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармонига кўра, ҳудудларнинг бюджет параметрларини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш бўйича депутатларнинг роли оширилди.

Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари мажлисларида ҳар чоракда ҳудудий секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари (ҳар бир ҳудудга бириктирилган республика даражасидаги масъул мансабдор шахслар, парламент депутатлари ва сенаторлар иштирокида) эшитилиши белгиланди.

> Сессияларда ўтириб, депутатларнинг эркин фикрлари, аччиқ ҳақиқатларни эшитган, ҳар бир ҳаракати эл назарида турганини ҳис этган, адолатсизлик қилса, одамлар ундан юз ўгиришини билган раҳбарлар бошқача масъулиятли бўлади.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий Кенгаш Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш масаласини белгилаш ваколатига эга.

Маҳаллий Кенгашларга берилган ваколатлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин асосий гап ваколатларнинг кўп ёки камлигида эмас, улардан ким қандай фойдаланишига бориб тақалаверади.

Сессияга, масалан, ИИБ бошлигини чақириб, **аниқ фактлар билан муаммоларни кўрсатиб, уларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излайдими ёки ҳисобот ўқилаётганда елкасини қисиб ўтириб, охирида «Бағдодда ҳамма ёқ тинч», деган мазмундаги қарорни чапак чалиб маъқуллайдими, буни депутатларнинг ўзлари ҳал қилади.** Маъқуллаш ёки таклиф бериш, қўл кўтариш ёки кўтармаслик депутатларнинг устувор ҳуқуқи. Қандай пайтда қўлни баланд кўтариб, қандай масалада таклиф бериш, «сессияни номига ўтказиб, ўзимизни ўзимиз беҳурмат қилмайлик, фарзандларимизнинг келажаги ҳаққи виждонан қарор қабул қилайлик», дейиш ёки демаслик депутатнинг салоҳиятига, дунёқарашига, маънавиятига, умуман, курашишга тайёр ёхуд тайёр эмаслигига боғлиқ бўлади. «Ким қилади бу ишларни?.. Юраги ёнган одам қилади, Ватанини севган одам қилади». Бу сўзларни тушунган, тушуниб, озгина бўлса ҳам қийналган депутат қўлини эмас, идрокини, виждонини кўпроқ ишлатади.

Кўпчилигимизда ким билади қайси замонлардан қолиб кетган бир ёмон одат бор. Жамоа раҳбари ишларимизни танқид қилса, жон куйдириб вазифа қўйса, диққат билан эшитаётгандек бўлиб кўринишни, «хулоса қиламиз, бажарамиз», деб жиддий туришни қойиллатамиз. Лекин амалий ҳаракатга келганда, шаштимиз пасайиб, ҳаракатларимиз сусайиб қолади.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида кўпинча шундай ҳолат кузатилаётганга ўхшайди. Кенгашлар учун қўйилган мақсадлар билан депутатларнинг иштиёқи ўртасида тафовут каттароқдек туюлмоқда. Айрим депутатлар прокурор, ички ишлар бўлими, солиқ инспекцияси бошлиғидан ҳисоб сўраб, уларнинг камчиликларини ҳақиқатда танқид қилиш мумкинлигига ишонқирамай қараётгандек.

Лекин бундай кайфият ва шубҳаларга асло ўрин ҳам, асос ҳам йўқ. Шошма-шошарлик билан тайёрланаётган, халқнинг бирини икки қилмасдан, катта-катта маблағларни қумга тушган томчидай йўқотаётган абсурд лойиҳаларни имкон борича йўқотиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга жон киритиш, шифохонадаги чойшабларни алмаштириш учун марказдан пул кутишдек эски касалликка чек қўйиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида фикрлаган одам буни тез тушунади.

Бошқарувнинг ўта марказлашувига барҳам бериш бюрократия ва коррупциянинг энг йўғон томирига болта уриш эканини тушунган депутат ҳудуднинг тақдири ўзига ўхшаган депутатларга боғлиқлигини ҳис қилади. Ҳаракатлар стратегиясини, Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тушуниб, юрагидан ўтказиб ўқиган депутат фикр айтишдан, таклиф билдиришдан, ширин жонни қойитишдан бегоналарга эмас, ўз ҳудудидаги қийналган одамларга, яқинларига, болаларига фойда эканини билади.

Раҳбарнинг кўнгли эмас, халқнинг меҳри одамни бахтиёр қилади. Раҳбарнинг розилиги эмас, халқнинг дуоси асрайди. Депутат билан ҳудуд раҳбари бир-бирининг кўнглига қараб иш тутса, йиғилишларда умумий, расмий гапларни канда қилмаса, аҳвол оғирлашади. Давлат бошқарувида мувозанат бузилади, муросасозлик бошланади. Маҳаллий Кенгаш депутати ижро ҳокимияти мутасаддиларига ўзи ўрганган, кўзи билан кўрган ҳолатлар, камчиликлар ҳақида очиқ-ойдин гапирмаса, на танқид, на бир жўяли таклиф айтмаса, ҳоким унинг фикрларини ҳурмат қилмаса, «ўзим биламан, ўзим ҳал қиламан», деб хато ўйласа, сессия ҳам, вақт ҳам беҳуда ўтган бўлиб қолади.

Депутатлар виждонан ишламаган жойда ҳокимиятнинг ўзи ҳаммасини қойил қилиб қўёлмайди. Янгича фикрлайдиган ҳокимлар буни яхши тушунади. Кўпдан кўп фикр чиқади, энг мақбул қарор жамоатчилик билан, унинг қонуний вакиллари билан кенгашиб қабул қилинади. Шунда хато кам бўлади, қарорлар муаммоларни ҳал этиш, одамларни рози қилишга хизмат қилади. Дунёнинг барча ривожланган демократик давлатларида шундай. Бусиз демократияни ҳурмат қиладиган ҳокимиятни, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган вакиллик ҳокимиятини шакллантириб бўлмайди.

Айрим ҳудудий телеканалларда, ижтимоий тармоқларда маҳаллий Кенгашлар сессияларида ёзиб олинган тасвирларга кўзимиз туша бошлагани катта ютуқ. **Депутатлар, маҳаллий раҳбарлар жамоатчилик назарида турганини ҳис қилса, қайси қарор қандай муҳокама билан қабул қилинганини одамлар билса, сессиялар анча демократик тарзда ўта бошлаши аниқ.** Бундан ҳокимга ҳам, депутатга ҳам, маҳаллий раҳбарга ҳам, фуқарога ҳам катта фойда келади.

Баъзида туман, шаҳар Кенгаши сессияларида гапираётган айрим ИИБ, солиқ инспекцияси, прокуратура мутасаддиларининг фикрлаш тарзи, дунёқараши одамни лол қолдиради. Айримлари ҳатто «хатоларимиз кўп, хулоса чиқариб оламиз», деган оддий гапни ҳам эплаб гапиролмайди. Лекин кўча-кўйда, ўз идорасида муаммо билан борган одамларга осмондан келади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳудудий бўлинмаларида шундай мутасаддилар борки, «демократик жамиятда ҳамманинг ҳуқуқи тенг», деган гапни эшитса, ўзга сайёраликни кўргандай ажабланади. Бундай кишилар демократик тартиб-таомилларни тушуниб етиши учун жойлардаги сессиялар сокин ўтмасдан, муҳокамалардан, мунозаралардан «чанг чиқиши» керак. Бу дунёга ҳамма яшаш учун, яхши ҳаёт учун келишини тушунтириш, фикрлашда замондан орқада қолаётган раҳбарларни маърифатга ундаш, уларнинг «кўзини очиш» маҳаллий Кенгаш депутатлари масъулиятидаги вазифадир. Ҳуқуқ-тартибот идоралари бўлинмалари маҳаллий Кенгашлар олдида ҳисобдор эканида ҳам чуқур маъно бор.

Ҳокимлар, ҳудудий раҳбарлар қачон ўз устида ишлайди? Қачон фуқарони ҳурмат қилишни ўрганади, қачон маънавияти, маданияти, одоб-эътибори билан жамоатчиликка ўрнак бўлади?.. Сессияларда ўтириб, депутатларнинг эркин фикрлари, аччиқ ҳақиқатларни эшитган, ҳар бир ҳаракати эл назарида турганини ҳис қилган, адолатсизлик қилса, одамлар ундан юз ўгиришини билган раҳбарлар бошқача масъулиятли бўлади. Ҳудудларда бундай соғлом, демократик муҳитни биринчи навбатда ким юзага келтира олади?.. Албатта, депутатлар, лекин депутатлик нишонини номига тақиб юрганлар, қаттиқ уйқуга кетганлар ёки иккиланаётганлар эмас, юраги ёнган, Ватанини, бола-чақасини севган депутатлар.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Парламент аъзоси таклифлари

Уруғ сифатли чиқса, берди худо, сифатсиз чиқса...

Турсунпўлат НОРБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда истеъмол бозорини сифатли мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борадаги энг муҳим масала деҳқон ва фермер хўжаликларини сифатли уруғлар билан таъминлаш, деб ўйлайман.

Ҳозирги кунда боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчиларнинг асосий талаби хорижда тайёрланган сифатли уруғларни харид қилиш билан боғлиқ. Афсуски, юртимизда уруғ таъминоти талаб даражасида йўлга қўйилмаган. **Амалиётда экилаётган уруғларнинг аксарият қисми норасмий йўллар билан, сохта тадбиркорлар томонидан олиб келинмоқда. Уларнинг на мувофиқлик сертификати бор, на бошқа бир кафолати.** Бундай уруғдан олган деҳқон хатосини фақат бир йилдан кейин тўғрилаши мумкин. Яъни, уруғ сифатли чиқса, берди худо, сифатсиз чиқса...

Бу масалада менинг таклифим: аҳолини сифатли уруғ маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳар бир туманда ҳеч бўлмаса биттадан уруғчилик дўкони очиш зарур.

Албатта, талабни ўрганган ҳолда, хориждаги уруғ экспорт қилувчи корхоналар билан шартнома тузилса, кафолатланган уруғ таъминоти йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ишлар тизимли ташкил этилса, истеъмол бозори сифатли маҳсулотлар билан таъминланган, сифатсиз уруғ экиб, катта зиён кўраётган деҳқон ва фермер хўжаликлари касодга учрашининг олди олинган бўлар эди. Бундан ташқари, ноқонуний уруғ олди-сотдиси билан боғлиқ банкдан ташқари валюта муомаласига чек қўйиларди.

Энди ўзимизга савол берайлик, **деҳқону боғбонлар, яъни маҳсулот етказиб берувчилар кўнгилдагидек меҳнат қилиши учун нима керак?** Бунинг учун улар аввало кафолатланган сифатли уруғ таъминотига, етиштирган маҳсулотини реализация қилиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Лекин бу соҳада **агрофирмаларнинг иш фаолияти ҳозирча талаб даражасида эмас.** Маҳсулот етказувчиларга шартнома асосида аванс пуллар бериш тизими деярли ишламаяпти. Натижада кўп ҳолларда деҳқонлар қайси маҳсулотни экиш-экмаслик масаласида иккиланиб қолмоқда.

Маълумки, иқлим йил сайин ўзгариб, деҳқончилик ишлари мураккаблашиб бораяпти. Бундай шароитда экин-тикин, мевали дарахтларга бирон-бир зарарли касаллик зиён етказса, профессионал ёрдам кўрсатилиши зарур. Бу соҳада агрокимё ташкилотларининг хизмат кўрсатиш жараёнини талаб даражасига олиб чиқиш ҳаёт тақозосига, кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланиб қолди.

Шу ўринда яна бир масала бор. Деҳқончилик, боғдорчилик йўналишида етиштирилган маҳсулотларнинг сифатлиси реализация қилинади, қолган қисмига нима бўлади, деган савол туғилади. Мева, сабзавот, полиз маҳсулотларининг чириндисидан спирт олишни йўлга қўйиш орқали бу масалани самарали ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайман.

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Сиёсий партиянинг кучи бошланғич ташкилотлар фаолиятига боғлиқ

Шундан келиб чиқиб, БПТларга муносиб номзодларни танлаб, қуйи бўғиннинг мавқеини тиклаш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Намунали бошланғич ташкилотлар иш тажрибасини оммалаштириш учун туман, шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, етакчиларнинг амалий семинарлари йўлга қўйилди. Тажриба алмашиш жараёни вилоятлар ўртасида ҳам жорий этилгани ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Масалан, бу борада Андижон вилоят кенгаши раиси Қашқадарё вилоятида бўлди. Сафар давомида ташкилотлар фаолияти, етакчиларнинг иши, ҳужжатлар юритилиши билан яқиндан танишилди. Бундай ташаббуслар кўпайса, бошланғич ташкилотлар масъулиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб борилса, камчиликлар босқичма-босқич бартараф этилади.

Туман ёки шаҳар кенгашларининг долзарб мавзуларга бағишланган тадбирларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда уюштириш яхши самара беради, деб ўйлайман. Уларнинг савиясини ошириш масаласи ҳам устувор аҳамиятга эга. Одатий йиғилишлар, зерикарли, узундан-узоқ маърузалар билан тадбир ўтказишга барҳам бериш лозим. Тадбирга келган одам ўзини қизиқтирган саволга жавоб топса, дардини тинглайдиган одам билан учрашса, сарфланган вақтига ачинмайди.

(Давоми, бошланиши 1-бетда)

— Демак, бошланғич ташкилот фаолияти самарадорлиги, аъзоларнинг партия ғоя ва мақсадларини қай даражада тарғиб қилиши етакчилар салоҳиятига боғлиқ. Фаол, ташаббускор етакчилар сафини кенгайтириш учун нималарга аҳамият бериляпти?

— Ҳақиқатан ҳам, етакчиси ташаббускор бошланғич ташкилотнинг аъзолари ҳам интилувчан, фаол бўлади. Бундай аъзолари бор партия жамиятда муносиб ўрин эгаллайди.

Партиямиз ғояларини аҳоли орасида тарғиб қилиш учун, аввало, етакчининг ўзида бу ҳақда етарли билим ва тушунча бўлиши зарур. Партияга янги аъзоларни қабул қилиш жараёнида уларнинг ичида шу соҳага қизиққан, интилиши юқори бўлган юртдошларимиз, хусусан, ёшлар кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Агар партия етакчиси жамиятдаги ўзгаришлар, ривожланишлар ҳақида чуқур билимга эга, мулоқотда моҳир, адолат тамойилларига суянадиган, халқ манфаатини ўйлайдиган бўлса, унинг атрофида кўплаб хайрихоҳлар жамланади.

Очиғини айтиш керак, айрим БПТ етакчиларида бундай хислатлар етишмайди. Йил давомида бирор марта аниқ ташаббус ёки таклиф билан чиқмаган қуйи бўғинларимиз ҳам бор. Партиямиз нуфузига путур етказмаслик учун мазкур масалага қарши курашиш, зарур чоралар қўллаш талаб этилади. Бошланғич ташкилотларнинг туман ва шаҳар партия кенгашлари билан доимий алоқасини таъминласак, улар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб, ёрдам бериб борсак, бундан партия ҳам, электорат ҳам манфаатдор бўлади.

— 2017 йилги фаолиятингиздаги ўзгаришлар ҳамда 2018 йил учун кўзда тутилаётган режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўтган йили партия тизимида «ЎзХДПнинг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўрик-танлови жорий қилинди. У илк марта эксперимент тариқасида Андижон вилоятида бошланди. Танлов низомига кўра, иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими билан бирга, нотиқлик санъати, одамлар орасида ўзини тута билиши синовдан ўтказилади. Шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳаёт, ислоҳотлар ҳақидаги тасаввури, хабардорлиги ҳам инобатга олинади. Бу танлов қуйи бўғин фаолиятини кучайтиришда яхши самара беришига ишонаман. Зеро, танловга тайёргарлик мобайнида улар изланишади, аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришади, натижада фаолиятида ижобий ўзгариш юз беради.

Бу йил мазкур тажрибани оммалаштириб, танловни республика миқёсида ўтказишни режалаштиряпмиз. Агар лойиҳа қутилган натижани берса, бошланғич ташкилотлар минтақаларо ҳам беллашади. Кўзланган мақсад БТПлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш, ишни жонлантириш бўйича янги таклифларни шакллантириш ҳамда етакчилар салоҳиятини оширишдан иборат.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА суҳбатлашди.

Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 9-yanvar. Seshanba
• 3 (32.371)-son

Янгиланаётган Ўзбекистон

Манфаатлар мувозанати ёхуд «қизил чизиқ»ни босиб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Одамзот доимо ҳақиқатга, адолатга интилиб яшайди. Унинг учун бу — умрнинг маъно-мазмунини белгилайдиган бош мезон, асосий матлабу маслак, десак, адашмаган бўламиз. Агар шу туйғу бўлмаса, инсон ҳаётидаги энг муқаддас тушунча ва қадриятлар ҳам балки бўлмас, бу қадар юксак даражага кўтарилмас эди.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ҲАР ИШДА АДОЛАТ КЕРАК

Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз дунё чамани адолат билан обод бўлади, деб бежиз таъкидлаб айтмаганлар. Бу ҳақда узоқ гапириш, фикр юритишга сира ҳам ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки бугунги ҳаётимизда ҳар қадамда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал бўлиб, бу ҳақиқат ўзининг амалий тасдиғини топиб бораётганига бевосита ўзимиз гувоҳмиз.

Бугунги кунда халқаро миқёсда мамлакатимиз ҳақида гап кетса, «Янгиланаёган Ўзбекистон», «Демократлашиб бораётган Ўзбекистон» деган ибораларни қўллаш тобора кенг расм бўлмоқда. Шунинг ўзиёқ жонажон юртимизнинг жаҳон майдонида мутлақо янги имиджи шаклланиб бораётганини кўрсатади.

Бу ҳам муҳим, лекин бундан ҳам муҳими — оддий одамлар, халқнинг ҳаёти сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Албатта, улар, худди эртаклардагидек, бир кўз очиб юмгунча ақл бовар қилмас катта бойликка, тоғдек хазинага эга бўлиб қолгани йўқ. Уларнинг кундалик ҳаётида ташвиш ва муаммолар, етишмовчиликлар бор. Лекин улар ҳар қандай хазинадан ҳам азиз ва қадрли бўлган бойликка — «шу юртнинг эгаси — мен», «бизга суянч ва таянч бўладиган, ҳар қандай шароитда ҳам қўллаб-қувватлайдиган Президентимиз бор» деган ишонч билан яшаш имконига эга бўлди.

Бугунги юртдошларимиз бошқарув идораларининг турли бўғинларида илгари чуқур илдиз отган салбий ҳолат — ўз юртида «отангга бор, онангга бор», деб, эшикмаэшик сарсон қилиш иллатига, ўз шахсий манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган бюрократларнинг зуғуми, алдов ва фирибларига жимгина чидаб кетадиган одамлар эмас. Улар Президентнинг Халқ қабулхоналарини билади, Виртуал қабулхонани билади. Энг муҳими, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини, ҳокимият — халқ эканини яхши билади ва шунинг ҳисобидан кучига куч, ишончига ишонч қўшилади.

Миллий қонунчилигимизда «ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати», деган қоида бор. Ҳар бир ҳокимият тармоғининг ўз қонуний ваколатлари доирасида, айни вақтда умуммиллий аҳамиятга молик энг зарур масалаларда ўзаро келишиб, уйғун ҳолда ҳаракат қилишини таъминлашда бундай принципнинг аҳамияти беқиёс каттадир. Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлиб ишлаган пайтларимда бу ҳақда ҳуқуқшунос дўстларимиз, депутатлар билан кўп гаплашар эдик. Лекин, афсуски, жойларда аҳоли ва давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари, хўжалик бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда ана шундай тийиб туриш ва мутаносибликни таъминлаш механизмлари йўқ эди. Дангалини айтадиган бўлсак, қонунда назарда тутилган қоидалар ҳам аниқ ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги туфайли деярли ишламас эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиса Мурожаатномасида ўринли таъкидланганидек, «ўлик қонунлар» жойларда таъбир жоиз бўлса, «ўлик вазият» — ҳеч қандай йўл билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларни юзага келтирар эди. Шунинг учун маҳаллий раҳбарлар «ўзи — хон, қўланкаси — майдон» деган «принцип» асосида ишлар, уларнинг айттани — айтган, дегани — деган эди. Халқ орасида ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» дея олмас эди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида Халқ қабулхоналари ташкил этилиши ва улар тимсолида Президент вакилларининг иш олиб бориши аҳоли ва давлат идоралари, бошқа ташкилотлар манфаатлари ўртасида ўзига хос мувозанат бўлишига, айтиш мумкинки, «қизил чизиқ»ни кўр-кўрона босиб ўтиш ҳолатларининг камайишига сабаб бўлмоқда. Президентимиз юқорида зикр этилган Мурожаатномада бу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: **Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанчаканча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.**

Дарҳақиқат, энди раҳбарлар ҳам Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхоналар борлигини билади ва ҳушёр тортади, ҳаддидан ошмайди. Юқорида таъкидланган «қизил чизиқ»ни босиб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ экани уларни фақат қонун асосида, ваколат доирасида фаолият кўрсатишга ундайди.

Ўтган бир йиллик ҳаёт тажрибасидан бугунги кунда барчамиз яна бир ҳақиқатни яхши биламиз: мамлакатда тинчлик ва тараққиётга эришиш учун, аввало, халқни рози қилиш керак. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзингдин керакдир шикоят санга.

Эл-юртга эса кўп нарса керак эмас, ҳар бир ишда адолат бўлса бас. Шунинг учун давлатимиз раҳбари **Менга баландпарвоз гаплар, қуруқ ҳисоботлар эмас, одамларнинг розилиги керак,** деб айтмоқда, барчамизни ана шу мезон асосида ишлаш ва яшашга даъват этмоқда.

ОРҚАГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Бугунги тобора ўзгариб, янгиланиб бораётган ҳаётимиз, унинг қадр-қиммати, кечаги кунимиздан осмон билан ерча фарқи борлиги ҳақида ўйлаганда, кўпчилик юртдошларимиз қалбида ҳақли бир савол туғилиши табиий. Албатта, барчамиз хом сут эмган бандамиз. Оддий одамларнинг арзу доди Президентгача етиб борадиган, ҳар қандай юқори лавозимдаги мансабдор шахс халқ билан ҳисоблашадиган, унинг дардига қулоқ тутадиган кунларга етдик, лекин фалак гардиши айланиб, яна кечаги кунга қайтиб қолмаймизми, деган хаёллар баъзан кўнглимизга ғулғула солади.

Президентимиз бундай кайфиятларни бамисоли олдиндан ҳис этгандек, кейинги пайтдаги чиқишларида, хусусан, Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, Олий Мажлиса Мурожаатномасида бу ҳақда қатъий ва аниқ фикрларни баён қилдилар: орқага йўл йўқ, кечаги кунга олиб борадиган кўприклар аллақачон ёниб кетган. Сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам фақат олдинга боришимиз шарт. Бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳақида бормоқда.

Энг муҳими, кечаги ҳаётга, **нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби** ҳукмронлик қиладиган муҳитга қайтишни халқнинг ўзи истамайди. Чунки ёлғон ваъдалар, баландпарвоз ҳисоботлар билан ҳеч кимнинг қорни тўймайди. Ўзини ўзи алдаб, шунга маҳлиё бўлиб ўтирадиган жамиятга бошқалар ҳам ёрдам бермайди. Президентимиз ўз Мурожаатномасида бизни айнан шундан огоҳлантирди. **Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга албатта етамиз...**

Ҳаммамиз шу халқнинг фарзандимиз. Эл-юртимизнинг кўзига, юзига қараб, очиқ тан олишимиз керак: афсуски, жойларда алдам-қалдам ишлар ҳали ҳам давом этмоқда. Қуйи бўғиндаги баъзи раҳбарлар пинагини ҳам бузмасдан, бемалол эскича ишлаб юрибди.

Президентимиз яқинда Тошкент вилоятида бўлиб, халқ билан мулоқот қилганида, ислоҳотларнинг бориши билан танишганида ана шундай ҳолатларни кўриб, жуда ачиниб гапирди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш бўйича шунча ишлар қилинаётганига қарамасдан, Янгийўл шаҳридаги шифохоналарда вазият ҳамон эски ҳаммом — эски тос бўлиб қолаётгани ҳақиқатан ҳам бизга ярашмайдиган ҳолдир. Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида жойларда ишни ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг сабабларини, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш йўлларини аниқ кўрсатиб берди. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида муваффақиятли қўлланаётган, яхши натижа бераётган тўрт сектор фаолияти жиддий танқид қилинди. Секторлар ишида сусткашликка йўл қўйган айрим раҳбарлар шу жойнинг ўзида вазифасидан озод этилди. **Олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Алдов, ёлғон ваъда одамларнинг жонига тегиб бўлган. Олдимизда катта кураш турибди. Курашга тайёр одамдан натижа кутса бўлади. Амал ишламайди, одам ишлайди,** деди Президентимиз.

Биз курашга тайёрмизми? Жонимизни озгина койитишга, орому ҳаловатдан жиндак бўлса ҳам воз кечиб, ўзимизни қийнашга тайёрмизми? Ўз олдимизга улуғ мақсадлар қўйдикми, шунга яраша ҳаракат қилишимиз, бутун борлиғимизни шу йўлда сафарбар этишимиз керак. Бу борада Президентимиз барчамизга ўрнак бўлмоқда.

> Олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Алдов, ёлғон ваъда одамларнинг жонига тегиб бўлган. Олдимизда катта кураш турибди. Курашга тайёр одамдан натижа кутса бўлади. Амал ишламайди, одам ишлайди

Тошкент вилоятида туғилиб камолга етган бир ижодкор сифатида шуни алоҳида мамнуният билан қайд этаманки, қисқа муддатда Президентимизнинг вилоятимизга бир неча бор ташриф буюришлари, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, молиялаштириш манбаасини кенгайтириш мақсадида бошқа вилоятларга нисбатан кенг қўламда маблағ ажратаётгани, юзлаб эҳтиёжманд оилаларнинг дардига малҳам бўлаётгани кўп миллатли вилоят аҳлига чексиз қувонч бахш этди. Бу қувонч айни пайтда зиммамизга жуда катта вазифалар ҳам юклайди.

Чунки ҳимма ҳавас қиладиган янги давлат, янги жамият қуриш, бугунги ривожланган дунё билан тенг рақобат қилиш учун ҳар биримиздан ҳаракат, масъулият ва яна бир бор масъулият талаб этилмоқда. Ҳеч нарсадан чўчимай, масъулиятни дадил зиммага олиш — бу мардликдир. Уни амалий ишлар билан оқлаш эса — олижаноблик ва фидойиликдир. Бу ишлар биз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз бундай синовлардан неча бор ўтганлар. Халқимиз — катта кураш тажрибасига эга бўлган халқ. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида тарих ва бугунги ҳаёт муаммоларини, буюк аждодларимиз ибрати ва бугунги авлодларнинг улар олдидаги бурчи ҳақида гапириб, турли даврларни қиёслаб, бу борадаги муштарак нуқталарни алоҳида таъкидлайди. Тарихдан, аждодлар анъанасидан ибрат олиб яшашга даъват этади.

ИННОВАЦИЯ — БУ КЕЛАЖАК ДЕГАНИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йил мамлакатимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили,** деб эълон қилинди. Бу дегани янги йилда фаоллик, шижоат, дадил ташаббуслар янада рағбатлантирилади, инновацион фикрлаш, инновацион ёндашув ва фаолият ҳаётимиз асосига айланади, деганидир.

Албатта биз, барчамиз Шавкат Мирзиёев ўз Президентлик фаолиятини бошлаган биринчи кунларданоқ **Ўзбекистон тараққиётини янги босқичда давом эттирамиз,** деб айтган сўзларини эшитиб, уларнинг замиридаги маъноларни, яъни мамлакатимизнинг ривожланиш суръатлари тезлашиши, халқимиз учун янги-янги имкониятлар очилишини ўзимизча тасаввур қилган эдик. Лекин очиқ эътироф этишимиз лозим, тараққиётимизнинг янги босқичидаги ўзгаришлар кўлами ва миқёси бу қадар кенг, бу қадар улкан бўлиши, жамиятимизнинг ҳаёт манзараси қисқа муддатда шунчалик ўзгариб кетишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Шу нуқтаи назардан қараганда, 2018 йилда — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида бизни янада улкан ўзгаришлар, янада мураккаб вазифалар кутмоқда. Бу албатта осон синов бўлмайди. Умуман, ўзимиз кўряпмиз, бугунги дунёда осон вазифанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам. Турли иллюзия ва хомхаёлларга берилиш, содда бўлиб юриш даври ўтди. Замон ҳамма соҳаларда аниқ ҳисоб-китоблар, аниқ режалар асосида яшашни талаб этмоқда. Шунинг учун Президентимиз ҳар бир соҳадан, ҳар бир раҳбардан ўз иш режаси — «йўл харитаси»га эга бўлишни талаб этмоқда.

Табиийки, Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилидаги долзарб вазифалар биз — ижод аҳлидан алоҳида фаоллик ва сафарбарликни талаб этади. Инновацион ғоялар, инновацион ривожланиш ҳаммадан ҳам кўра ижодкорларга яқин ва тушунарли қадриятлардир. Чунки тарихдан маълум, мумтоз шоир ва ёзувчилар неча ўн йиллик ривожланиш истиқболларини олдиндан кўриб, ўзлари яшаган даврдаги эскича қарашларга қониқмасдан, юрак қони билан ёзган асарларида янги ғояларни илгари сурганлар, илм аҳлини янги кашфиётларга руҳлантирганлар, жамиятни маърифий асосда яшашга чақирганлар. Масалан, буюк Алишер Навоий бобомизнинг ҳар бир асари ўз даври учун инновацион хусусиятга эга бўлган янгилик ва кашфиёт эди.

Ўйлаймизки, бизнинг бугунги шоир ва ёзувчиларимиз ҳам буюк мутафаккир боболаримизнинг ана шундай эзгу анъаналарини давом эттириб, жамиятимиз тараққиёти тобора инновацион асосга ўтиб бораётганидан руҳланиб, халқимизнинг ана шундай буюк ўзгаришлар давридаги юксак бадиий-эстетик дидига мос асарлар яратадилар.

Шу ўринда бугунги ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган яна бир жиҳатни алоҳида миннатдорлик билан таъкидлашни ўз бурчим деб биламан. Президентимизнинг маданият, адабиёт ва санъат соҳасига, жамиятимизда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори — бу чуқур ўйланган сиёсат натижасидир. Чунки маданият ва маънавиятни ривожлантирмасдан туриб, замонавий инновацион жамият қуриб бўлмайди. Инновация — ақл-заковат, илм-маърифат асосида яшаш, уларнинг натижаларини оқилона ишлата билиш деганидир.

Айниқса, шоир ва ёзувчиларнинг неча йиллик орзуси ушалаётгани — улар учун пойтахтимизнинг қоқ марказида муҳташам замонавий бино қуриб берилгани, жаннатмакон диёримизнинг энг хушманзара, баҳаво туманлари Зомин ва Паркент тоғлари бағридаги оромбахш, сўлим гўшаларда ижод уйлари қурилаётгани, Адиблар хиёбони ташкил этилиб, миллий адабиётимизнинг атоқли намояндаларининг ҳайкаллари: бу ерда барпо этилгани, умуман, жамиятимизда адабиётга, санъатга, китоб мутолаасига муносабат ўзгараётгани бизнинг ишончимизга ишонч қўшаётган яна бир ўта муҳим омилдир. Чунки китоб ўқиб, шеър ёдлаб, қўшиқ айтиб, эзгуликни қалбига жо этган халқ ва миллатнинг руҳий-маънавий қудрати чексиз бўлади. Бундай қудратли халқ улуғ ишларга қодир бўлади.

> Энг муҳими, кечаги ҳаётга, нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби ҳукмронлик қиладиган муҳитга қайтишни халқнинг ўзи истамайди.

Пойтахтимиздаги 750 мингдан зиёд оиланинг аҳволи ўрганилди

Пойтахтимизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгашининг 2017 йил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.Жавлонов, Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари У.Нарзуллаев ва бошқалар мамлакатимизда маҳалла институти халқчил тузилма сифатида шаклланиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этаётгани, Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

Ушбу ҳужжатларда маҳалла институтини янада ривожлантириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Йиғилишда ўтган даврда беш юздан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар лавозимга тайинлангани қайд этилди. Маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 754 минг 292 оила ўрганилди. Ўрганиш давомида 16 минг 470 фуқарога тиббий ёрдам кўрсатилиб, 2 минг 249 нафар фуқаро иш билан таъминланди, 936 оилада турли тушунмовчиликларнинг олди олинди. 526 оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 634 нафар ёшлар ўқишга жалб этилди, эрта никоҳ ҳолатларига барҳам берилди.

Фуқаролар йиғинларининг Яраштириш комиссияси саъй-ҳаракати билан 35 мингдан зиёд оиладаги ажралишнинг олди олинди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларни қўллаб-қувватлаш, соғлиғини тиклаш ва якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда табиий офатдан жабр кўрган 550 нафар фуқаро учун жами 220 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

88 фуқаролар йиғинлари замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмаси билан таъминланди. 12 маҳалла фуқаролар йиғини бинолари таъмирланди ва реконструкция қилинди, Бектемир туманидаги «Миришкор», Миробод туманидаги «Темирйўлчи» маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қурилди. Шунингдек, ҳомийлар томонидан 31 намунавий лойиҳа асосида замонавий ва хавфсиз болалар майдончалари ҳамда 54 «Гўзалик салони» қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает: 7 и 22 февраля 2018 года в 15.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащее региональному филиалу АКБ «Қишлоқ қурилиш банк» Республики Каракалпакстан: автомашина марки «Спарк», 2013 года выпуска, гос.номер 95/162 ТАА. Начальная цена 15 118 800 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 6 февраля 2018 года в 17.00. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, ул.Амира Темура, дом 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Свидетельство 006388-11

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши халқ депутатлари Қўшкўпир туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Саробиби Матяқубовага отаси **Идир МАТЯҚУБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят ва Булунғур туман кенгашлари Булунғур туман кенгаши раиси Бахтиёр Ражабовга онаси **Хурсаной ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Жасурбек Қамбаровга волидаи муҳтарамаси **РАИБА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бунда булбул китоб ўқийди

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов мактабида истеъдодли ёшлар таълим олмоқда

Мен у кишини кўп йиллардан буён билардим, шеърларини, китобларини катта ҳаяжон билан, таъсирланиб ўқирдим. Бундай самимий ва дилбар шахс, халқимизнинг қалбини, юрагини ўлмас асарлари билан юксак пардаларда тараннум этиб келган ноёб ва бетакрор истеъдод эгаси камдан-кам топилади. Ишончим комил, Қашқадарё аҳли, бутун халқимиз ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган бу улуғ фарзандини ҳеч қачон унутмайди, унинг хотирасини қалбида сақлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2017 йилнинг 24-25 феврали. Президентимиз Қашқадарё вилояти тараққиётига дахлдор ўнлаб истиқболли лойиҳалар ҳақида фикр билдириб, маслаҳатлар берди. Шулардан бири Қарши шаҳрида ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповга ёдгорлик ўрнатиш, шоир номидаги мактабни ташкил этиш эди. Бу таклифдан шоирнинг юртдошлари кўкси тоғдек кўтарилди, ҳаяжондан кўзига ёш олганлар ҳам бўлди. Менга **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати Рашид Муртозаев** шундай деганди:

— Ишонинг, шунчалик хурсанд бўлдикки, миннатдорлик билдиришга сўз тополмаймиз. Президентимиз халқимизнинг дилидаги гапни айтди. Ҳатто қаерга ёдгорлик ўрнатилишини ҳам белгилаб берди. Буни қашқадарёликлар ҳеч вақт унутишмайди...

Жорий йилнинг 24 майида эса Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори чиқди.

Мен бугун шаҳар кўчаларини кезаман. Шоир ўтмиш ва замонни яққалам қилган эди. Хаёлимга улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг «Абдулла Орипов менга XXI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик шоири бўлиб гавдаланади», деган фикрлари келади.

— 2007 йилнинг баҳори эди. Абдулла Орипов билан Қаршида учрашдик, — дейди **Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоят кенгаши қошидаги «Истеъдод чорлови» клуби раҳбари, шоир Турди Ҳайдар.** — У кишига ёш талантлар бошини қовуштириш ҳақида ўйлаб юрганларимни айтганимда, ниҳоятда севиниб: «Мен қўллаб-қувватлайман, эзгу иш бу», дегани ҳамон ёдимда. «Ёшлик саройи»да шеъриятга ихлосманд ёшларни тўплаб, билганимча ижод сирларини ўргата бошладим. 2008 йилда 10 нафар ёш шоирнинг шеърини тўплаб, «Чақмоқ ёғдуси» номли китобни чиқардик. Ҳозиргача 280 ёш истеъдоднинг шеърлари жамланган 28 тўплам чиқардик. Клубимиз машғулотларидан мингдан ортиқ ёш баҳра олди. Севинаманки, шогирдларимдан кўплаб истеъдодли ижодкорлар етишиб чиқди. Буёғини эшитинг... 2013 йилнинг ёзида Абдулла Орипов қашқадарёлик 24 нафар ёш шогирдимни ёзувчиларнинг Дўрмон боғида қабул қилиб, 3 кун синадилар. Хўп, нима демоқчиман?.. Устоз адабиётимизнинг келажагига, ёшлар камолига ишонарди, уларни доим қўллаб-қувватларди. Президентимизнинг ташаббуси билан Қарши шаҳрида шундай ибратли мактаб ташкил қилинганидан устоз шоирнинг руҳи шод бўлгани тайин...

Юриб-юриб, шаҳарнинг Табассум маҳалласига етиб келдим. Йўл четида кўркам хиёбон. Шу жойда шоир ҳайкали қад кўтаради. «Баркамол авлод» марказига қарашли муҳташам бинода янги мактаб қарор топибди. Илгари Қарши давлат университетида ишлаган, бир неча илмий китоблар муаллифи, филология фанлари доктори, ниҳоятда ташкилотчи Хуршида Норхўжаева директор этиб тайинланибди.

У ташкилий ишлар, режалар ҳақида ҳикоя қилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 312-қарори асосида барча ишлар ташкил этилди, — дейди у. — Муаллимлар танлаб олинди. Сентябр ойида синовлардан муваффақиятли ўтган 150 ўқувчи билан машғулотлар бошлаб юборилди. Мактабимизнинг ётоқхонаси бор. Чунки нафақат вилоятнинг узоқ туманлари, балки Бухоро, Сурхондарё вилоятларидан ҳам ўқувчилар қабул қилинган. Машғулотлар қай тарзда ўтилади? Мактабда барча фанлар, шу жумладан, ўзбек тили ва адабиёти чуқур ўргатилади. Кутубхонамизга янги китоблар олаяпмиз.

— Улуғ зотларнинг ҳаёти ҳамиша ўзига хос бўлади, — дейди ўйчанлик билан шоирнинг жияни, мактаб-интернати директорининг ўринбосари Нозима Орипова. — Бир куни умр йўлдошлари «Ўнг қовоғим учди, узоқдаги қариндошлар эсга тушди», деган мазмундаги халқ қўшиғини айтиб қолибди. Амаким ўша заҳоти буни шеърга солибдилар. Бу шеър сўнгги «Эверест ва уммон» тўпламига киритилган. Келинойим ушбу мактаб ташкил топганидан беҳад севиниб, музейимизга ноёб буюмлар, жумладан, шоирнинг 60 ёшида Биринчи Президентимиз томонидан совға қилинган чопон ҳамда ёзув машинкасини топширди. Бу машинкада мадҳиямиз ёзилган экан...

— Эй, кўп улуғ иш бўлди, — дейди фахрланиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё бўлими раҳбари, таниқли адиб Ўроз Ҳайдар. — Мен мактаб директори билан бир неча бор суҳбатлашдим. Хўш, режа шундайки, яқин кунларда кутубхоналарига 150 дона китоб олиб бориб бераман. Яна таниқли ижодкорларнинг 200 китобини совға қилишни мўлжаллаб турибмиз. Энди таълим масаласи. Республика Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти билан кенгашиб, вақти-вақти билан таниқли адиб, шоир, адабиётшунос олимлар дарс ўтишини ташкил қилиш, мактабни ҳақиқий ижод масканига айлантириш лозим, деб ўйлайман.

Мен ҳам шундай ўйлаб тургандим. Аввало, Абдулла Ориповнинг шоирлик маҳорати дарс сифатида ўқитилиши керак. Яна таржима санъати ҳам машғулотлар сирасига киритилса, яхши бўларди.

«Бир-икки нафар иқтидорли ўқувчи билан суҳбатлашсам», деб сўраганимда, директорнинг хонасига бир гуруҳ ёшлар кириб келишди. Чирокчилик Машҳура Абдурайимова тўққизинчи синф ўқувчиси. Унинг тенгдоши, ғузорлик Дилобар Саломованинг «Эъзоз ёғдуси» китоби чоп этилибди. Гулинур Ражабова шоирнинг она қишлоғи Некуздан экан. Қарши шаҳридан Аббос Амирқулов ҳуқуқшунос бўлмоқчи, адабиётни ҳам чуқур ўрганмоқчи. Миришкор туманидан келган 7-синф ўқувчиси Абдухалил Ҳасанов журналист бўлишни орзу қиларкан. Саккизинчи синф ўқувчиси Жавоҳир Аҳмаджонов Қарши шаҳридан, шеър ёзаркан. Унинг ҳамшаҳри Ибрат Бобожонов ва Ҳусан Исақуловнинг ҳам қалби орзуга тўла. Касби туманидан келган Севинч Омонова еттинчи синф ўқувчиси, шеърлар китоби чиққан, яқинда у «Камалак юлдузлари» фестивалида биринчи ўринни эгаллабди ва Республика босқичига йўлланма олибди. Севинч кўрик дастурига кирган «Бахт» сарлавҳали янги шеърини ўқиб берди.

Ҳаяжонланаман, севинаман. Баногоҳ, хотирамга улуғ шоирнинг илк асарларидан биридаги «Булбул тилини булбул билар, мен билмасман, булбулжон...» мисралари келди. Агар таъбир жоиз бўлса, ижоднинг ўзи булбул тилидадир. Севинч ва унинг тенгдошлари бу тилни суюкли шоиримиз Абдулла Орипов асарлари ва мактабидан ўрганишга чоғланишган. Вақти келади, улар орасидан Абдулла Ориповдек буюк ижодкорлар етишиб чиқади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳарбийларга уй топширилди

Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган 48 нафар офицер ва сержантга ипотека кредити асосида қурилган уйларнинг калитлари топширилди.

Икки ва уч хонадондан иборат тўрт қаватли уйда барча шароитлар муҳайё.

— Бугун оиламиз учун жуда қувончли кун, — дейди кичик сержант С.Бобоназаров. — Кўркам, шинам уйлардан олишни кўп йиллар орзу қилган эдик. Шукрки, бугун ниятимиз амалга ошди. 8 йил ижарада, уйма-уй кўчиб яшаб юрдик. Бу ҳолат фарзандларимизга ҳам қийинчилик туғдирарди. Мактабга, янги синфдошларга энди кўникдим деганда, кўчишга мажбур бўлардик. Албатта, келгусида бор кучғайратим билан, Ватанимга хизмат қиламан.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Saidkamol XODJAYEV, Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 138. 13934 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:15.
Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6